# Ким Қуръонни оҳанг билан ўқимаса




19:00 / 07.08.2022 16303

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَيْسَ مِنَّا مَنْ لَمْ يَتَغَنَّ بِالْقُرْآنِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

97. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Қуръонни оҳанг билан ўқимаса, биздан эмас»**, дедилар.*

Бухорий ривоят қилган.

** «Биздан эмас» деганда суннатимизга амал қилувчи эмас, бизнинг йўлимиздан юрувчи эмас деган маъно англашилади. Демак, Қуръон ўқиганда овозни яхшилаш лозим. Чунки гўзал овознинг қалбга таъсири кучли бўлади. Лекин бунда қуръоний лафзни ўзгартириб юбормаслик,*

*бирон ҳарфни тушириб қолдирмаслик ёки зиёда қилиб қўймаслик шарт қилинади. Шунингдек, оҳангга берилиб кетиб, тиловат аҳкомларидан четга чиқиб кетиш ҳам ҳаромдир.*